ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-
OLIY BAXT
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

15 октябрь, пайшанба 1998 йил №119(620)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2
ФУҚАРО ҲАҚ-ҲУҚУҚИ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА
3
ЮГОСЛАВИЯ ВОҚЕАЛАРИ
4
ВАТАН ТУЙҒУСИДАН ҚАЛБИДА ҒУРУР

Ўзбекистон - Россия

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Мустақил Ўзбекистон Президентимиз бошчилигида жаҳондаги барча давлатлар ила тенг ҳуқуқлилик асосида муносабатлар ўрнатиш йўлидан бормоқда. Мустақилликни қўлга киритгач, жаҳондаги юздан ортиқ давлат билан расмий алоқа ўрнатдик. Аммо Россия билан сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий алоқалар биз учун устувор вазифа эканлигини давлатимиз раҳбари алоҳида эътироф этиб келмоқдалар.

Таъкидлаш жоиз, Россия эса узоқ вақт мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасидаги ҳаракатларига ёш давлатнинг бир ҳаваси-да, барибир узоққа боролмайди, дея беписанд муносабатда бўлиб келди. Вақт ўтиши билан ҳаёт шу каби хомхаёллар таъсирида бўлганлар қаттиқ янглишганликларини ҳамда кўп нарсани бой берганликларини исботлади. Ўзбекистон МДҲ давлатларида бўлгани каби «инқилобий сакрашлар» эмас, балки ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни бош мезон қилиб олди. Республика раҳбарияти иқтисодий ўсишга эришиш йўлида Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга таянди. Худди шу тамойиллар асосида Ўзбекистон ўз моделини яратди ҳамда ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Мустақиллик йилларида ўн йилликларга татигулик муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакат ўзини-ўзи ғалла билан таъминлай бошлади, нефть маҳсулотларини ҳатто экспорт ҳам қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги миллий тотувлик, барқарорлик, амалга оширилаётган оқил ва одил сиёсат, унинг самаралари жаннатмакон, серқуёш юртни жаҳонга танитди.

Мамлакатимиз имкониятини, қудратини сезган жаҳоннинг йирик давлатлари Ўзбекистон иқтисодиётига фаол сармоя кирита бошладилар. Ўша кезларда бундан ташвишга тушган «Известия» газетаси «Марказий Осиёдаги ушбу давлатдан (Ўзбекистондан) сусткаш Россияни японлар, французлар, немислар, Жанубий кореяликлар кучли босим билан сиқиб чиқармоқда» деб ёзди.

Россияда эса аҳвол ўзгача тус олди. Ҳукуматни бошқарган Гайдар, кейинчалик В. Черномирдин иқтисодиётни тубдан ўзгартиришга эриша олмадилар. Мамлакат равнақи, халқ фаровонлиги каби ғоялар иззатталаб сиёсатчиларнинг манфаатлари сояси остида қолиб кетди. Шу боис, Президентимиз: «Россиядаги аҳволни келтириб чиқараётган кучлар аввало, одамларни тўйдиришни ўйлаши, сўнгра ҳар хил чақириқ ва даъватларга кириши тўғри бўлур эди», дея алоҳида таъкидладилар. Энг ёмони мамлакат ҳаётидаги тартиб-интизом, осойишталикка путур етди. Россиянинг ташқи қарзи ошиб кетганлиги мамлакат тинкасини қуритди. Минглаб завод ва фабрикалар, конлар, шахталар ишламаётир ёки ҳозирда ҳам ёпилмоқда. Бундан халққа жабр бўлмоқда, халққа! Иқтисодий бўҳрон оқибатида ойлаб пенсия, маош, нафақа ололмаётганлар аянчли аҳволда қолдилар. Эътироф этилишича, Россияда 32 миллион киши қашшоқлик даражасига тушиб қолди.

Россиядаги аҳвол бағоят ташвишли. Рублнинг қадри тушиб кетган. Шу йилнинг охирига қадар Россия хорижга 4,6 миллиард доллар қарзини тўлаши зарур. Аҳолининг ҳеч нарсага ишончи қолмаган... Москва эндиликда тамомила бошқа Ўзбекистон билан муносабатда бўлаётганини, бой берилган имкониятлар ўрнини қоплаш лозимлигини тушуниб етди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айрибошлаш миқдори 1997 йили 1 миллиард 607 миллион долларга тенг бўлган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагидан бошлаб бирданига 21,5 фоиз ўсиш кузатилди.

- Ўзбекистон-Россия алоқалари яна ҳам яқин ва мустаҳкам бўлиши керак, - дея таъкидлади Борис Ельцин Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифи чоғида, - чунки Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўрни, мавқеи, қўшни давлатларга таъсири нечоғли катта эканлигини биз яхши биламиз.

Яна эътиборли томони шуки, Президентимиз Ислом Каримовнинг Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг Фахрий доктори дипломига сазовор бўлиши Россия илмий жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг ҳолисона эътирофи, фидокор ҳалқимиз қўлга киритаётган улкан ютуқларнинг муносиб баҳоланишидир. Бу қувончли воқеа мустақил республикамиз, одамларимиз қадр-қимматини, обрўсини янада оширди.

Жумлаи жаҳон шоҳид, давлатимиз раҳбари ер юзида тинчликни барқарор этиш, Афғонистондаги урушни бартараф қилиш учун қўлдан келган барча чораларни кўраяпти. Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги қатор долзарб масалалар орасида шу нарсага эътибор қилинганлиги барчани қувонтирди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Россия ўртасида шу кунга қадар давлатлараро, ҳукуматлар ва идоралараро юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Уларни амалга ошириш учун сиёсий ирода, қатъий ҳоҳиш керак. Акс ҳолда бу ҳужжатлар шунчаки қоғозлигича қолиб кетиши мумкин. Россия Федерацияси президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлади. Зеро, ўзаро алоқаларнинг кенгайишидан икки томон бирдек манфаатдордир. Музокаралар чоғида имзоланган тарихий ҳужжатлар муштарак мақсадлар рўёбга чиқишининг гаровидир.

Миргиёс ҚАЮМОВ.

«Пахта-98»





Бўка туманидаги «Кўкорол» хўжалигида пахта йиғим-терими республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида ташкил этилган. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилмоқда. Шу боис суръатга суръат қўшилаяпти.

Суратларда: 1) Пешқадам теримчи Хурсаной Каримова.

2) Пахтакорларга меҳнат ҳақи тарқатилмоқда.

Х.АВВАЛОВ олган суратлар.

ҒАЛАБАНИНГ ШИРИН ОНЛАРИ

Вобкент туманидаги Мурод Жўрабоев номли жамоа хўжалиги саршунослари Бухорода биринчилардан бўлиб ғалаба маррасини эгалладилар.

- Жорий йилдаги муваффақият деҳқонларимиз учун бағоят қадрли,-дейди бошқарув раиси Толибжон Авезов. - Боиси баҳорнинг серёғин келиши муаммоларни кўпайтириб юборди. Қатор бригадаларда ҳосил етилиши кечикадиган кўринди. Бироқ, омилкор, фидойи миришкорларимиз ҳар туп ғўзада мўл ҳосил етиштириш учун жонларини жабборга бериб ишладилар. Касаба уюшмаси қўмитаси инсон омилига эътиборни кучайтирди. Яхши ишлаганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Саъй-ҳаракат зое кетмади. Йиғим-теримни барвақт бошлаб, муддатдан илгари режани бажардик.

Хўжалик далаларида хали ҳосил сероб. Ишлар бир сония бўлса-да, бўшаштирилмаяпти. Хўжалик саршуносларининг нияти давлатга яна 660 тонна юқори сифатли хомашё тортиқ этиб, ялпи ҳосилдорликни 40 центнердан оширишдир. Йиғим-терим ваъдага яраша давом эттирилаяпти. Мавсум пешқадамлари Гуландом Ўроқова, Гавҳар Тўхтаева, Хикоят Нарзиева, Орзигул Бекова каби пудратчилар биринчи теримдаёқ мўлжалдаги ҳосилни йиғиштириб олишди.

Бозор муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш, муҳим ишда ялпи сафарбарликни таъминлашда хўжалик раҳбари Т.Авезовнинг ташкилотчилиги, қатъиятлилиги муҳим роль ўйнамоқда. У касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамжиҳатликда дала шийпонларини аъло даражада жиҳозлаш, маиший шароитни намунали йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқда. Теримчиларнинг иш ҳақи ўз вақтида тарқатилаяпти. Ибратли ишлардан яна бири оилавий пудратнинг жорий этилганидир. Илғор усул шарофати туфайли ерга, хизмат бурчига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Аксарият пудратчилар гектар ҳосилдорлигини ўтган йилгига нисбатан 5-6 центнерга оширдилар.

Мавсум ўз қаҳрамонларини яратди. Эндиликда хўжаликнинг тадбиркор бригада бошлиғи Ғиёс Турдиев номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. Саркор юқори сифатли хом ашё топширишда алоҳида намуна кўрсатди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

В Е Н А. Косово муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш учун қулай имконият туғилди. Европа Иттифоқининг Косово бўйича махсус вакили Волфганг Петрич шундай фикрни баён қилди.

В.Петрич Югославия президенти Слободан Милошевич билан Косовода тинчлик ўрнатиш борасида эришилган келишувни юқори баҳолаб, ўлкада тинчлик қарор топиши учун ЕИ барча имкониятларни ишга солажагини айтди. Шунингдек, у минтақада ҳаво совиб бораётгани муносабати билан Косово қочқинларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

* * *

Т Е Ҳ Р О Н. Агар толиблар БМТ ва Эрон ҳукумати қўйган талабларни тўлалигича бажаришдан бош тортса, халқаро ҳамжамият уларга қарши қатъий чора-тадбир қўллаши зарур, деб баёнот берди Эрон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Муҳсин Аминзода.

Кейинги пайтларда толиблар Эрон ҳукуматининг айрим талабларини бажарган бўлса-да, улардан баъзилари ҳамон ўз ижросини топмаяпти. Жумладан, толиблар тутқунда сақлаётган барча эронликни озод қилиш ва 10 нафар Эрон дипломатини ўлдиришда айбланаётган шахсларни жазога тортиш каби талаблар бажарилмаган.

* * *

С И Д Н Е Й. Австралия полицияси 400 килограмм гиёҳванд моддани фош қилди. Мамлакат адлия вазири Аманд Ванстоуннинг айтишича, Сиднейдан 300 километр узоқликда жойлашган Маккуори портига келган кемадаги юк кичик катерга жойланаётган пайтда унда гиёҳванд модда борлиги аниқланган.

Маълумотларга қараганда, «қора бозор»да баҳоси 250 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу модда Таиланд ва унга қўшни бўлган мамлакатлардан келтирилган. Ушбу жиноят юзасидан 18 киши ҳибсга олинди.

/ЎзА/

«Обуна-99»

«ИШОНЧ»НИНГ САДОҚАТЛИ МУШТАРИЙЛАРИ

Муассис - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг мадади ва ташкилотчилиги билан вилоятлар, туманлар, меҳнат жамоаларида севимли рўзномангиз «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига 1999 йил учун обуна қизғин давом эттирилмоқда. Муҳим ишда қатор йиллардан буён яхши натижаларга эришилаётган Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент шаҳри, Хоразм, Фарғона вилоятларида ибратли тадбирлар амалга оширилаяпти.

Севимли рўзномаларингизга вақтида обуна бўлишни Сиз ҳам унутманг!

Ваъда бу - маош эмас

ИШЧИЛАР ҲАҚИ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

Пахтакор туманидаги 112-автокорхонада биринчи учратган кишимиз ҳисобчи Комилжон Қобилов бўлди. Ҳайдовчиларнинг яшаш тарзи, ойлик маошлари билан қизиқа бошлаган эдик, у киши ранжигандай бўлди:

- Ака, қўйинг, шу саволларни,-директоримиз Ғайрат Тошбеков «Менсиз ҳеч кимга бирор маълумот берманглар» деб тайинлаганлар.

- Соат ҳам ўн бўлаяпти, мабодо у киши келмасалар-чи?

- Начора, кутасиз,-елка қисди у. - Сўнг ҳовлига ишора қилиб: «Ана, бош ҳисобчи келди, у киши билан гаплаша қолинг»,-деди.

Дониёржон Ихтиёров автожамоанинг бошқа корхона ва ташкилотлардан 30 миллион сўм қарздорлигини, ўзларининг ҳам бошқа жамоаларда 45 миллион сўм омонати борлигини таъкидлади. Агар ана шу дебитор қарзларини ундирсалар, ҳайдовчиларнинг беш ойлик маошларини тарқатар эканлар.

- Демак, ҳайдовчилар беш ойдан бери маош олганлари йўқ,-демоқчимисиз?

- Олишга оляптилар-у, лекин қисманда... Масалан, шу ойда бир қопдан ун тарқатдик, келаси ойда пахта ёғи берамиз. Ўтган ойда эса маргарин берган эдик. Бу ойлик иш ҳақининг 15-20 фоизини ташкил этади.

- Бошқа жамоалардаги қарзларингни ундирсанглар бўлмайдими?

- Қанийди? Уларнинг ҳам ҳисоб рақамларида пуллари йўқ-да. - Мана рўйхатга қаранг!

Рўйхатда пахтакордаги пахта тозалаш корхонаси 6,5 миллион сўм, йўл қурилиш ва таъмирлаш идораси 2 миллион, туман дон қабул қилиш идораси 16 миллион сўм қарздорлиги қайд этилган эди. Ҳайрон бўлмай илож йўқ. Ахир, бу жамоалар ҳисоб рақамига тез-тез пул тушиб туради-ку? Тўғрисини айтиш керак - қарзларни ундириш учун аввало автокорхона маъмурияти жон куйдириши керак эмасми? Қолаверса, бош ҳисобчи таққослаш ҳисоблари ўтказиб туриши, жамоа ҳақини ҳеч қандай юз хотирсиз талаб этиши зарур! Касал шундаки, ўзибўларчилик, бокимандалик давом этаяпти.

Автокорхона ўтган йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, 5900 та акция сотилган ва бултурги фойдадан 840 минг сўм дивидент сифатида тарқатилиши ҳисоблаб чиқилган экан. Ҳиссадорлар ана шу улушларини ҳам ҳамон ололганлари йўқ.

Директор келгунча корхона ҳовлисини кўздан кечириш учун ташқарига чиқдик. Ҳовли тартибсиз. Ўнлаб гилдиракси автобус, юк ва пахта ташиш машиналари тиргакка кўтариб қўйилган, баъзиларида у ҳам йўқ. Булар-таъмирда, деб ҳисобланаркан...

Қисқаси, ваъда билан ҳайдовчиларнинг иш ҳақига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли, изланиш, иқтисодиётни юксалтириш омилларини изчил ишга солишдир.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

ТУБАНЛИК

кексалар ва болалар нафақасига кўз олайтирганлар қисмати

Мустақил мамлакатимизда беш тамойилдан бири - аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига катта эътибор берилмоқда . Ҳа, ҳукуматимиз бозор иқтисодиёти шароитида биринчи галда инсонга ғамхўрлик, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга давлат миқёсидаги масала, деб қарамоқда. Аксарият шаҳар ва туманларда қарилик, кўп болали ва ногиронлик нафақалари ўз вақтида - бир кун ҳам кечиктирилмай тўланишига эришилаётир. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида бу борада ибратли тажриба тўпланган. Қарийб 15 минг 200 нафар пенсионерга ой сайин 40 миллион сўм етказиб бериляпти. 3491 нафар нафақахўрга эса ойига 6,5 миллион сўм ажратилмоқда. Туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Ҳайитбой Матёқубов, «Қорақалпоқ почтаси» туман филиали бошлиғи Рустам Қодиров ана шу нафақа пулларини ўз эгаларига кечикмасдан етиб боришини таъминлашда алоҳида ташкилотчилик кўрсатмоқда. Улар ташаббуси билан ҳар ойда бир марта уюштирилаётган савдо ва маиший хизматдан нафақахўрлар мамнун бўлишаётир.

Бироқ «Пахтабанк» бўлими айби билан октябрь ойига белгиланган пенсия ва нафақалар кўпчиликка ҳанузгача тўланмагани кишиларни ранжитди. Бу кўнгилсиз ҳолат нафақат Беруний тумани, балки Қорақалпоғистон Республикаси барча шаҳар ва туманларига ҳам тааллуқлидир. Нега шундай бўлди?

- Октябрь ойида барча пенсионер ва нафақахўрлар қўлига 524 миллион сўм тегиши керак эди,-дейди Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири ўринбосари Мажимбой Алланов,-лекин фақат 18,5 миллион сўмгина тарқатилган, холос. Айниқса, Чимбой, Хўжайли, Қораўзак, Мўйноқ ва Қўнғирот туманларида пенсия ва нафақа пули тўлаш ҳали бошланмади. Умуман 30 минг 590 нафар нафақахўр шу йилнинг август ойидан буён ўз ҳақларини ололмай сарсонлар. «Пахтабанк» раҳбарлари мазкур аҳволни ўнглаш учун қўшимча чора-тадбирларни излаб топишга шошилмаяптилар. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги эса ушбу вазиятга жиддий муносабат билдирмаяпти.

Хаёлдан бир фикр ўтади: «Пахтабанк» ва Молия вазирлигидагилар ўзларини бир неча ойдан бери она сутидек ҳалол нафақаларини кутиб ётган ўн минглаб кишилар ўрнига қўйиб кўра олармиканлар? Агар шундай қилишга журъатлари етганда эди, юқоридаги муаммолар ечими шу пайтгача чўзилмаган бўларди. Яна бир гап. Эшитсангиз юрагингиз «учар»лар мўлжалланган 40 минг сўмлик нафақани сохта ҳужжатлар тузиб, ўзлаштириб юбордилар. Мўмай даромаддан ва бировнинг мушугини пишт демаётганидан руҳланган фирибгарлар энди кексалар нафақасига кўз олайтирдилар. Хаш-паш дегунча 70 минг сўмлик пенсия пулларини ўзлаштириб, яна юз тубан кетишди. Яхшиямки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари улар йўлига тўсиқ қўйишди. Бўлмаса нафси бузуқлар бундай кирдикорликка ҳали-бери барҳам беришни ўйлаб қўришларига ишонч йўқ эди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Таҳририятдан:

Айбдорлар-ку қилмишларига яраша ўз жазоларини оладилар. Лекин бундай воқеа қайта такрорланмаслигига ким кафолат бера олади? Шунча пайтдан бери нафақа пулларини ололмаётган фуқаролар арзига ким қулоқ солади? Давлатимиз ёрдамталаб фуқароларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида кенг кўламли ишларни амалга ошираётган бўлса-ю, Қорақалпоғистондаги айрим мутасадди ташкилотлар эса бу ҳаётий ўта муҳим масалага панжа орасидан қарашса. Бунга сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

ФУҚАРО ҲАҚ-ҲУҚУҚИ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

Республика Адлия вазирлиги Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқармаси одамлар ташвишига шерик, дардига малҳам бўлмоқда

Хатлар... Уларни бекорга ҳаёт кўзгуси, деб таърифлашмайди. Ҳа, хат ортида ўз қонуний манфаатини ҳимоя этилишини сўраб, мурожаат қилган инсон бор. У бесабаб маҳзунликка берилмайди, бекордан-бекорга бошига тушган дарду ташвишини оқ қоғозга туширмайди. Хатлар... Мавзуи ранг-баранг. Улар орасида вазирлик номига миннатдорчилик билдириб ёзилган мактублар ҳам, хотин эридан, фарзанд отаси ёки қариндош уруғидан, жабрланувчи айбдор ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларидан нолиб алам ва ўкинч билан, кўз ёши ила битилган шикоятлар ҳам бор. Лекин муаллифлар орасида ўзининг Конституциямиз, давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқини тўла-тўкис тушуниб етмаган, оқибатда қуйи ҳудудий ташкилотларни четлаб, юқори идораларга шикоят билан мурожаат этгувчилар ҳам топилади. Ёки бу манзаранинг акси - тегишли идораларга ўз ҳуқуқи поймол этилишидан халос қилишликни сўраб шикоят ёзишга мажбур бўлаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Ана шу нуқтаи назардан ҳам Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасининг ташкил этилиши ҳаётий заруратдан келиб чиққан эди. Республика Президенти Фармони, Вазирлар Маҳкамаси Қароридан сўнг Адлия вазирининг буйруғи билан бошқарма ўз фаолиятини бошлади. Унинг таркиби вазирликнинг марказий девонида ўн уч нафар малакали мутахассисдан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармалари таркибида эса биттадан бош ҳамда етакчи маслаҳатчи, жами 28 нафар кишидан иборат эди. Жамоа ходимлари зиммасига юклатилган вазифа нақадар масъулиятли эканлигини бошқарма бевосита вазирга бўйсуниши, унга ҳисоб бериши ва айни пайтда кадрлар вазирнинг буйруғи билан лавозимга тайинланиши далиллари ҳам кўрсатиб турибди. Ариза ва шикоят билан мурожаат қилган фуқароларга қулайлик яратиш ҳамда ишда самарадорликка эришиш мақсадида бошқарма таркиби Адлия тизими идоралари ходимларининг фаолиятлари юзасидан тушган шикоят ва аризаларни кўриш; суд ходимларининг муайян жисмоний, фуқаролик ва маъмурий ишларни ҳал қилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлари устидан тушган шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш; ташкилий, таҳлилиёт ва фуқаролар қабули бўлимларига бўлинди. Тажриба шуни кўрсатдики, ишни шу тахлитда ташкил этилиши ариза ва шикоятларни Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига тўла риоя қилган ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш, кўрилган шикоятлар юзасидан Фуқароларни хабардор қилиш, баҳс-мунозарали масалалар юзасидан эса тушунтириш ишларини олиб бориш имконини берди. Бошқарма ходимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришда адолатли қарорлар қабул қилибгина қолмасдан, балки уларни келтириб чиқарган сабаб ва шароитларни ўрганиш, аниқлаш билан бирга, шундай қонун бузилишларнинг қайта такрорланмаслиги учун ҳам жон куйдирмоқдалар. Адлия тизимидаги идораларнинг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ўрганиб бориш асносида бу борадаги ишларни такомиллаштиришга оид амалий таклифлар ишлаб чиқаётирлар. Хатларни текшириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижроси эса доимий назоратда.

- Бошқармамиз ташкил топганига бир йилдан сал кўпроқ вақт бўлди, - дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Юсуф Илҳомов, - шунга қарамасдан бизга мурожаат этувчилар сони ой сайин ортиб бормоқда. Бунга ходимларимизнинг бугунги ишни эртага сурмасликлари, ҳужжатлар билан ишлашда аниқлик ва холислик, тахмин ва гумонли масалаларда етти ўлчаб бир кесишларини сабаблардан бири қилиб кўрсатиш мумкин. Шиоримиз эса одамлар ташвишига шерик, дардига малҳам бўлишдир.

Ҳақиқатан ҳам яхши шиор. Унинг амалийлиги аризалар 12 фоизга камайган. Шунингдек, суднинг ҳукми, ҳал қилув қарорлари қонунийлиги юзасидан келган хатлар ўтган йилги 17 фоиздан бу йил 8 фоизга озайганлигини кўриш мумкин. Бундай ижобий натижаларни бошқарма ходимларининг ҳар бир хат, ҳар бир тақдирга бефарқ қарамаётгани, улар изидан жойларга боришаётгани, вилоят, шаҳар ва туман судьяларининг иш фаолиятида қонунчиликка риоя этиш аҳволини бир неча марта ўрганиб, умумлаштиришлар қилаётганликлари самарасидир, таъминлангач эса - у савобга, эзгуликка айланади. Шу боисдан бошқармага мурожаат этувчилар сони ортиб бораётир, десак янглишмаймиз. Чунончи, ўтган йилнинг иккинчи ярмида фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризалари 270 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг олти ойида бу рақам 450 тага етди. Шикоятларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳар, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Жиззах вилоятлари улушига тўғри келаётгани эса ҳали ҳудудларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб турибди. Агар ариза, шикоятларнинг тури, хусусиятига қараб ажратадиган бўлсак, уларнинг энг кўпчилигини адлия идоралари ва суд ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норозилик мазмунидаги хатлар ташкил қилади. Масалан, айтайлик, ўтган йилнинг иккинчи ярмида бундай аризалар сони 103 тага етган бўлса, шу йилнинг олти ойи мобайнида ушбу кўрсаткич 10 тага кўпайганини кўрамиз. Лекин шикоятларнинг умумий сони (450 та)га нисбат қилинадиган бўлса юқоридаги идоралар устидан ёзилган деб баҳоласа бўлади.

Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим шаҳар, туман судларида қонун нормалари кўпол равишда бузилаётгани, фуқаролар манфаатига панжа орасидан қаралаётгани сир эмас, Бунга Тўқимачилик туман (Бухоро вилояти) судининг фуқаро М.Маъмурова аризасини кўриб, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама ва холис текширмасдан унга 2250 сўм жарима жазосини тайинлаганини мисол қилиб келтириш мумкин. Шикоят аризаси бўйича вилоят суди томонидан текширув ўтказилганда суд қарорида М.Маъмуровнинг содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги нималардан иборатлиги кўрсатилмагани ва айбини тасдиқловчи далиллар исботланмагани ҳамда суд мажлиси баённомаси судья томонидан тасдиқланмагани аниқланди. Ушбу иш бўйича вилоят судлари судьялари малака ҳайъатининг қарори эълон қилинди. Унда таъкидланишича, вазифасига совуққонлик билан қараган туман судьясига қаттиқ хайфсан берилган.

Ёки иш ўз вақтида кўрилмай, локайдлик, сансалорликка йўл қўйилган яна нггина адолат ўз жойида қарор топди. Туман судьясига нисбатан эса интизомий жазо чораси қўлланилди.

Юқоридаги каби қонун бузилишлари нотариуслар ҳамда ФҲДЁ бўлимлари ходимларининг фаолиятларида ҳам учраётганлиги ачинарли ҳолдир. Масалан, шу йил апрелида Ўзбекистон Президенти Девони орқали вазирликка келиб тушган М.Холиқназаровнинг шикоят аризаси Жиззах шаҳар нотариуслари Б.Абдиев ва Ш.Назаровларнинг ноқонуний нотариал ҳаракатларни амалга оширганликлари хусусида бўлиб, муаллиф масаланинг одилона ҳал этилишида ёрдамга муҳтожлигини ёзган эди. Бошқарма аралашувидан кейингина низоли ИЖ-21251-010 русумли автомашина Санам Холмуродовага олиб берилди. Нотариуслар эса нотўғри хатти-ҳаракатлари учун тегишли жазо олдилар. Яна бир низоли масала - жиззахлик фуқаро С.Раҳматовнинг шикоятига боғлиқ ишга эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Шикоятнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Жиззах туман суди У.Йўлдошевдан 215 минг сўмликдан кўпроқ етказилган моддий зарарни жабрланувчи фойдасига ундириб беролмаяпти. Суд жараёнига у, яъни жабрланувчи таклиф этилмаган. Вилоят адлия бошқармаси эса ушбу иш юзасидан тегишли назорат ўрнатмагани сабабли унинг фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўйилмоқда...

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, деганларидек С.Раҳматов ҳам бесабаб қўлига қалам олмаганлиги текширишда маълум бўлди. Гарчанд туман суди айбдор У.Йўлдошевни аҳлоқ тузатиш ишларига тортиб унинг 30 фоиз миқдоридаги иш ҳақи давлат ҳисобига ўтказиб турилиши тўғрисида ҳукм чиқарган бўлса-да, аммо унинг ижроси судья ва суд ижрочиси томонидан назорат остига олинмаган. Мазкур иш вазирлик ходимлари аралашувидан кейингина ижобий ҳал қилина бошланди.

У.Йўлдошевнинг амнистиядан сўнг ишчи сифатида фаолият кўрсатаётган Жиззах туман Ҳ.Олимжон номли ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари эътибори ҳукм ижросига қаратилди. У.Йўлдошевдан эса жабрланувчи фойдасига ҳозирча 80 минг сўм ундириб берилди.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин юқоридаги далиллардан ҳам Адлия вазирлигининг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқармаси фаолиятига доир энг муҳим жиҳатлар, хусусиятлар тўғрисида тасаввурга эга бўлдик. Ишонамизки, унинг бундан кейинги асосий мақсади ҳам хатларни ўрганиш, тақдирлар тўғрисида қайғуриш ва муаммоли, мунозарали масалаларда энг тўғри, холис, одил ечимни излаб топишдан иборат бўлади. Қўшикда айтилганидай:

Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик,
Одамлар дардига малҳам бўлайлик...

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Саволларингизга ҳуқуқшунослар Муҳиддин СОДИҚОВ ҳамда Карим МУХТОРОВлар жавоб берадилар

Учинчи гуруҳ ногирони бўлган ходимимизга тиббиёт хулосасига мувофиқ иккинчи гуруҳ ногиронлиги берилиб «меҳнатга яроқсиз» деган хулосага келинибди. Бу ходим «ишга яроқсиз»лиги туфайли ишдан бўшатилса бўладими?

Собиржон Қосимов,
Ғаллаорол тумани.

Йўқ, бу хулоса билан ходимни вазифсидан озод қилиб бўлмайди. Бу ҳолда «меҳнатга яроқсиз» деган хулоса берган тиббиёт муассасасига (ВТЭК) «ходим бажараётган ишига нолойиқми?» деган мазмундаги хат билан иш берувчи мурожаат қилиши ва бу хатга ходимни бажарадиган ишлари тўғрисидаги низом илова қилиниши керак. Агар ВТЭК бу масалани кўриб чиқиб, ходим бу ишни бажаришга нолойиқ деб топса, иш бажарувчи ВТЭКнинг хулосасига мувофиқ ходимни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II бўлим, 2-бандига асосан вазифасидан озод қилишга ҳақли, ёки ВТЭК хулосаси ва ходимнинг розилиги билан муассасасидаги бошқа бўш ўринга ўтказиши мумкин.

Ходимга ВТЭК томонидан иккинчи гуруҳ ногиронлиги, «меҳнатга яроқсиз» деган хулосага келиши, иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилиниши учун асос бўла олмайди. Чунки иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳатто биринчи гуруҳ ногиронлари ВТЭК кўрсатмасига мувофиқ оғир, зарарли, хавфли бўлмаган ишларда ишлашлари мумкин.

Агар иш берувчи бу қонун талабларига риоя қилмасдан ходимни ишдан бўшатса, бу ходим мажбурий бекор юрган вақтига ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаш шарти билан қайта ўз вазифасига тикланади.

* * *

Мен 1948 йилда туғилганман. Пенсия ёшига тўлганлигим сабабли 1998 йил 27 августда ҳужжатларимни Қарши туман ижтимоий-таъминот бўлимига топширдим. Улар 2557 сўм пенсия тайинланишини айтишди. Агар мен ҳужжатларимни шу йилнинг май ёки июнь ойларида топширганимда 3800 сўм пенсия олишим мумкин эканлигини айтишди.

Ижтимоий таъминот бўлимидан июнь ойида кўпайган пулни қўшишларини талаб қилдим. Улар мумкин эмас дейишаяпти. Шу тўғрими?

Худойберди НАЗАРОВ,
Қарши тумани.

Амалдаги Пенсия тўғрисидаги қонуннинг 47-моддасига биноан сизга пенсия тўғри тайинланган. Миқдори масаласига келсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 июндаги Фармонига асосан тўғри ҳисобланган. Агар Сиз туғилган кунингиздан кейин 3 ой муддат ичида мурожаат этганингизда пенсия миқдори Фармондан аввалги коэффициентлар бўйича ҳисобланиб чиқилган бўлар эди.

Ижтимоий ҳимоя

ДОРИ-ДАРМОН БЕПУЛ

Мазкур туманда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмоқда. Бунда касаба уюшмаларининг алоҳида ҳиссаси бор.

Зафарободда қирқдан ортиқ уруш ногирони бор. Улар туман ҳокимининг ва касаба уюшмаси қўмитасининг қарорига кўра коммунал хизмат тўловларидан озод этилди. Вақти-вақти билан моддий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда. Сўнгги ойларда ёрдамга муҳтожларга эшитиш аппарати, санаторийларга йўлланмалар ажратилди. Йигирма бир нафар уруш иштирокчиси ҳамда байналминал жангчилар оталиқ ташкилотларга бириктирилди. Моддий жиҳатдан бақувват, баобрў жамоалар ногиронларга доимий мадад кўрсатиб келишмоқда.

Туманда ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 2000 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра ногиронлар жамияти тузилди. У қизғин фаолият олиб боряпти. Белгиланган тадбирларга кўра 27 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бизнес мактабларида ўқитилди, улар муқим иш билан таъминланди. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича 16 ёшгача бўлган болалар қайта тиббий кўрикдан ўтказилди. Муҳтожлар шунингдек, протез олишга йўлланма олдилар. Эътиборли томони шундаки, ногиронлар соликлардан озод қилинган. Уларга дори-дармонлар бепул бериб келинмоқда.

А.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

1998 йил - Оила йили



Зангиотадаги «Мустақиллик» жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Йўлдош Деҳқонбоевлар оиласига барчанинг ҳаваси келади. Катта хонадон соҳиблари бир-бирларига меҳр-оқибатли. Фарзандлар одамохун, меҳнатсевар кишилар бўлиб вояга етишмоқда. Йўлдош ака 40 йилдирки комбинатда сидқидил меҳнат қилиб келмоқда. Ўғиллари орасида ота касбини давом эттираётганлари ҳам йўқ эмас. Кутлуғ гўшага қачон келманг, саранжом-саришталикни кўрасиз. У ердан меҳмон аримайди. Шу боис ҳамқишлоқлар катта оилага ҳамиша ҳавас билан қарайдилар.

Суратда: бахтли оила аъзолари.

НОГИРОНЛАРГА ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Бухорода ногиронлар учун тенг имкониятлар яратиш йўлида ҳар томонлама ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро семинар бошланди. Уни ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда уюштирди.

Семинар иштирокчилари уч кун давомида ногиронларга имтиёзлар яратиш, уларнинг соғлигини қайта тиклаш мавзуларида маърузалар тинглайди, ўзаро тажриба алмашади.

- Ногиронларга ғамхўрлик бизда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир,- деди анжуман иштирокчиларидан бири - Бухоро шаҳри ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Эргашев ЎзА мухбири билан суҳбатда.- 1996 йилдаёқ Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1996-2000 йиллар мобайнида ногиронларни реабилитация қилишга қаратилган ҳукумат қарори чиқарилганди. Унга биноан Бухоро шаҳрида ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, ногиронлар учун 150 ўринли тикув цехи бунёд этилди. 24 киши маиший хизмат соҳаси бўйича иш билан таъминланди. Айни пайтда улар юксак савиядаги тиббий хизматдан фойдаланмоқда, дори-дармон билан бепул таъминланмоқда. Кам таъминланган ногиронларга тадбиркорларнинг ҳомийлиги йўлга қўйилган. Хусусан, бу йил 100 киши дам олиш ва даволаниш масканларида бўлиб, саломатлигини тиклади.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

Ў Н Г Л А Н И Ш

Иқтисодиётдаги ривожланиш қайта ишлаш корхоналарининг бугунги аҳволига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки хом ашё етказиб беришдан кўра тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўпроқ самара олинади. Бунинг аҳамияти айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, хусусан мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва консерва маҳсулотларини экспорт қилишда яққолроқ кўринади. Бу борада Тойлоқ туманидаги «Тойлоқ шарбати» фирмасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Бозор муносабатларига ўтиш давридаги қийинчиликлар собиқ Тойлоқ консерва заводининг (ҳозирги «Тойлоқ шарбати» фирмасининг) ишлаб чиқариш суръатларига таъсир кўрсатмай қолмади. Мавжуд маълумотларга қараганда 1992-1997 йилларда мазкур жамоада ишлаб чиқариш ҳажми ниҳоятда пасайиб кетди. Корхона 30 фоиз қувват билан ишлаган вақтлар ҳам бўлди. Бу ҳолнинг оқибатлари нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, балки ишчиларнинг ижтимоий аҳволида ҳам намоён бўлди. Аҳвол бундай давом этишига йўл қўйиб бўлмаслигини барча англади. Бу орада корхона янги ташкил этилган «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси тизимига ўтказилиб, унинг таркибига тумандаги «Қўшчинор», «Давлатобод», «Соҳибкор» хўжаликлари киритилди. Энг аввало шартномавий муносабатларнинг ,такомиллаштирилиши,, ҳисоб-китоблар тўғри йўлга қўйилиши корхонанинг ҳомашё билан таъминланиши масаласини тубдан яхшилади. Натижада ишлаб чиқариш барқарорлашди ва ўсишнинг дастлабки белгилари юз кўрсатди. Масалан, 1998 йилнинг тўққиз ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий ишлаб чиқариш ҳажми 163

Ортиқча ишчи кучлари — қайта ишлаш корхоналарига

фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 106 фоизга ошди. Ҳозир корхонада мева-сабзавот қайта ишланиб, 16 турдаги консерва маҳсулотлари тортиқ этилаяпти. Бу йил эса ёнғоқ, анжир мураббоси каби янги неъматлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Муҳими, бу маҳсулотлар Венгриядан келтирилган, жаҳон андозаларига мос «Твистоф» банкаларида қадоқланмоқда. Янги маҳсулотлар синовдан муваффақиятли ўтди ва истеъмолчиларга манзур бўлди.

- Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда чет эл сармояларини жалб қилишнинг аҳамияти катталиги хусусидаги Президентимиз кўрсатмалари, йўл-йўриқларининг моҳиятини тобора чуқурроқ англаяпмиз, - дейди фирма бош директори Ботир Абдуллаев, - хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик жаҳон бозорига чиқиш учун йўл очмоқда. 1998 йилда томат пастаси, узум шинниси, анжир мураббоси сингари маҳсулотларнинг 50 фоизи, 180 минг АҚШ доллари ҳажмидаги ишни бажариш юзасидан шартнома имзоланди. Бунга кўра корхонамиз томат пастасини 200 кглик махсус бочкаларга қадоқлаб, маҳсулотни Европа бозорига чиқариш имкониятига эга бўлади. Бу режани келгуси мавсумгача рўёбга чиқариш мўлжалланган. Демак, биз шунга яраша хом-ашё базасига эга бўлишимиз керак. Бинобарин, мева-сабзавот етиштирувчи хўжаликлар билан таъминот, ҳисоб-китоб масалаларини тўлиқ ҳал этиш тақозо этилади. Тўғри, ҳозирча контрактация шартномалари мажбуриятларини бажаришда айрим камчиликлар учраб турибди. Лекин, муҳими биз энг аввало маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини англаб етдик. Бунингсиз кўзланган мақсадга эриша олмаймиз.

Ҳақиқатда маҳсулот бўлмаган жойда ўсиш ҳам бўлмайди. Маълумки, илгари қайта ишлаш корхоналари, хусусан консерва заводлари фақат пишиқчилик мавсумида ишларди. «Тойлоқ шарбати» фирмаси мутасаддилари корхона қувватидан мумкин қадар кўпроқ вақт фойдаланишни мўлжаллашмоқда. Бунинг учун хом-ашё заҳираси жамғарилаяпти. Бу йил корхонанинг ўз омборларида ва хўжаликлардан ижарага олинган омборларда 1000 тонна мева-сабзавот, 1000 тонна шарбат сақланади. Натижада корхонани 1999 йилнинг ёз фаслигача 80-90 фоиз қувватда ишлатиш мумкин бўлади.

- Қадоқлаш воситалари ва анжомлари четдан келтирилади. Яқин вақтларгача бу ҳам муаммо эди, - дейди етакчи мутахассис,- Уфа, Минск, Санкт-Петербург шаҳарларида корхонамизнинг махсус савдо уйлари очилиб, шу орқали қадоқлаш воситалари узлуксиз етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, иқтисодиётнинг барқарорлашуви туфайли ижтимоий масалаларни ҳал этишга имкон топаяпмиз, Корхонамизда ишчилар учун яратилган шароит ёмон эмас. Бу йил бўш бинолардан бирини таъмирлаб, ишчилар дам олиш мажмуига айлантираяпмиз. Маданий тадбирлар кўпроқ ўтказилаяпти. Маънавият уйига асос солинди. Бу йил қатор ишчиларга санаторийларда даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар берилди. Хуллас, самарали меҳнат туфайли даромадга яраша шарт-шароитлар яратишга интиляпмиз.

Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сирдарё вилояти деҳқонларининг кейинги йилларда эришаётган ютуқлари мақтанарли эмас. Масалан, вилоят сўнгги йиллар мобайнида пахта режасини сурункасига бажармаётир. Бу йил ҳам давлатга оқ олтин топшириш бўйича республикада охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Лекин бу ерда қурилиш, бозор иқтисоди шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ва бошқа йўналишларда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биз Гулистон шаҳрига борганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Тўғрисини айтганда, вилоят марказига ташриф буюрган киши ўзини худди жаннатга кириб қолгандек ҳис қилиши ҳеч гап эмас. Шаҳар йўллари равон ва чиройли қилиб қайта таъмирланган. Унинг икки чеккасида ҳозирги замон талаблари асосида бунёд этилган савдо ва маиший хизмат шоҳобчалари, маъмурий ҳамда турар жой бинолари жойлашган бўлиб, шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Бунёдкорлик дастури амалда

ЯХШИ ШАРОИТ САМАРАДОРЛИКДИР

- Ўтган икки йил мобайнида вилоят ва шаҳарнинг барча ташкилот ва муассасалари маъмурий биноларининг ташқи меъморий қиёфаси кайта таъмирланишига эришилди,-дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Убайдулло Fозиев. - Бир қатор янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Вилоят марказининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган «Дўстлик» канали ёнида барча қулайликларга эга бўлган «Анҳор» чойхонаси шулар жумласидандир. Ҳозир бу ерда аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Марказ меҳнаткашларини уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббиёт хизмати, фарзандларининг билим олиши учун шарт-шароит яратиб беришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври ичида умумий майдони 20 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 12 та кўп қаватли турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу уйлар асосан давлат маблағи ҳисобига қад кўтарди ва уларнинг бир қисмига ташкилот ҳамда корхоналарнинг маблағи жалб қилинди. Йил охиригача яна 5 та 16 хонадонли, 2 та 24 хонадонли уй-жой фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, болалар уйига қўшимча бино, 2 та врачлик пункти, 640 ўқувчига мўлжалланган 2 та мактаб, никоҳ уйи, истироҳат боғи ва бошқа бир қанча маданий-маиший нуқталар қуриб битказилди.

Гулистонда маданий-маиший хизмат нуқталари ва бошқа иморатларнинг қад кўтаришида республика вазирликлари, концернлар ёрдами беқиёсдир. Масалан, «Узбексавдо» концерни маблағи ҳисобига Супермаркет ва Ёшлар дискобари қурилди. Республика олий хўжалик суди маблағи билан шаҳар марказида замонавий хўжалик суди биноси қад кўтарди. «Ўзнефтмаҳсулот» давлат концерни маблағ ажратиб, автомобилларга комплекс хизмат кўрсатиш пунктини очди. Ички ишлар вазирлиги маблағи ҳисобига марказдаги «Сузиш ҳавзаси» қайта таъмирланди. Республика бокс Федерацияси ва давлат мулки қўмитаси ёрдами билан «Бокс» саройи қурилиши ниҳоясига етказилди. Асака банк биноси автодўкони билан қуриб битказилишида Республика Асака банки маблағидан фойдаланилди. Республика касаба уюшмалари Федерацияси маблағи ҳисобига 5 минг кишига мўлжалланган шаҳар марказий ўйингоҳи 12 минг кишига мосланиб кенгайтирилмоқда.

Халқимизда минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзалроқ, деган мақол бор. Биз ана шу нақлга амал қилган ҳолда шаҳарда қурилиши ниҳоясига етаётган теннис кортига бордик. Бу ерга келганимизда тушлик пайти бўлгани учун ишчиларга ош тарқатилаётган экан. Маълум бўлишича, иш икки сменада ташкил қилинган бўлиб, бу ерда ишлаётганларнинг тушлик ва кечқурунги овқатланиши текин экан. Қурувчилар-нинг ўртача ойлик маоши 6-7 мингдан ошгани ҳолда, уларга вақти-вақти билан мукофот пули берилиб турилиши иш унумдорлигини ошириб, улар кайфиятини чоғ қилмоқда.

- Давлат, корхона ва ташкилотларнинг маблағи ёпиқ ва очиқ турдаги теннис кортлари ҳамда узунлиги 120, эни 36 метрга тенг манежга эга бўлган улкан спорт-соғломлаштириш мажмуи қуриб битказилиши арафасида,-дея гап бошлади «Гулистонқурилиш» трестига қарашли 19-кўчма механизациялашган жамланма раҳбари Тоҳир Қодиров, - бу катта спорт иншоотининг лойиҳа қиймати 600 миллион сўм атрофидадир. Ҳозиргача унинг 80 фоизидан кўпроғи ўзлаштирилди. Қурилиш нуқтасида 300 дан зиёд бинокорлар фидокорона меҳнат қилишмоқда. Бу ерда қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етказилиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда айниқса Рустам Fофуров бошқараётган сувоқчилар бригадаси, Сафарали Абдувоҳидов сардорлик қилаётган жамоа аъзолари жонбозлик кўрсатишяпти. Бинокорлар қурилиш нуқтасини янги йилгача фойдаланишга топшириш ниятидадирлар.

Шаҳар қурилишида чет эл маблағини жалб қилишга катта аҳамият берилмоқда. Чехия республикаси билан ҳамкорликда «Лечиво» фармсаноат қўшма корхонаси ва «Уздунробита» фирмасининг вилоятдаги шоҳобчаси ҳамда «Туркистон-L», «Абдуғани-Мансур» ширинлик ишлаб чиқариш корхоналарининг фойдаланишга топширилиши шулар жумласидандир. Бу биринчидан, шаҳарда бекор туриб қолган ишчи кучини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш имконини яратаётир. Иккинчидан, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, республика экспорт имкониятини оширишга хизмат қилаётир.

Вилоят марказида кейинги пайтларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари бирмунча кучайди. Айниқса бу борадаги Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига оғишмай амал қилинмоқда. Ҳозирги кунда шаҳарда 11 мингдан ортиқ пенсионер ва нафақахўрлар рўйхатга олинган. Агар шу йилнинг 1 июлига қадар ҳамма турдаги пенсия ва нафақа тўловларига 21-22 миллион сўм сарф этилган бўлса, сўнгги пайтларда ҳар ойда ўртача тўлов миқдори 32 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Шундан 15 миллион 855 минг сўми 2 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга берилди. Жорий йилнинг шу бугунги кунига қадар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида 7 миллион сўмга яқин пул тарқатилди. Бундан ташқари, иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, уруш орти меҳнат фронти қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, Чернобиль фожеаси ногиронлари, Афғон уруши қатнашчиларининг пенсия миқдори белгиланган тартибда ва ҳаракатдаги қонун асосида 50 фоиздан 71 фоизгача кўпайтирилди.

Ўтган вақт мобайнида 150 дан зиёд нафақахўрларга дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилди. Фақат ўзгалар қарамоғига муҳтож 100 дан ортиқ нафақахўрларга шу йил учун маҳаллий маблағдан бир миллион сўмдан зиёд текин озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди. Шунингдек, ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган ногиронлар, ёлғиз қарияларнинг газ, электр энергияси, транспорт харажатлари учун шу кунгача маҳаллий маблағ ҳисобидан уч миллион сўм сарф қилинди.

Юқоридагилардан ташқари «Наврўз» умумхалқ байрамида икки нафар ёшнинг никоҳ тўйи ўтказилди ва бу оилаларга мебеллар билан тўлиқ жиҳозланган ҳонадон бепул тортиқ қилинди. Шаҳарда истиқомат қилувчи ёнғиндан зарар кўрган икки оиланинг уйи қайтадан қуриб битказилди. Бунинг учун маҳаллий бюджет ҳисобидан бир миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Яқинда 892 нафар оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан 488 нафар оилага 500 минг сўмлик маҳсулотлар тарқатилди. «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига ҳам алоҳида меҳрибонлик кўрсатилди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, бугунги кунда Гулистон шаҳрида қурилиш кўлами жуда катта. Шаҳар кундан-кунга чирой очмоқда. Шу билан бирга аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Айниқса меҳнаткашларни ўз вақтида ойлик билан таъминлаш борасида ўрнак олса арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳокимлик томонидан барча турдаги нафақа ва пенсияларни эгаларига етказиш қатъий назоратга олинган.

Гулом ЮСУПОВ,
«Ишонч»нинг махсус мухбири.

ТАДБИРКОР ХОРИЖНИ КЎЗЛАЙДИ

Ўсимлик уруғи, мевалар данаги бир қарашда аҳамиятсиз нарсадек туюлади. Тўғри-да, шафтоли-ю, олхўрини еб бўлгандан кейин унинг данаги билан ким қизиқиб ўтиради дейсиз. Лекин бундай хулоса чиқаришга бироз шошилмай, яхшиси рўзғоримиздаги ёғнинг салмоғини чамалаб кўрайлик. Очиғини айтганда бугунги кунда истеъмолчи сифатида ёғ маҳсулотларидан нолимасак бўлади. Баъзи бир хорижий ёғ ва мой маҳсулотларидан ташқари ўзимизда ишлаб чиқарилган ранг-баранг, турли ҳажмдаги ва энг муҳими экологик тоза ёғлар бозорларимизда тўлиб кетди. Инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган ушбу маҳсулотлар эса айнан ўсимликлар уруғи ва мева данакларидан олинади. Узбекистон «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси 1998 йилнинг тўққиз ойида 146456 тонна ўсимлик ёғини аҳоли дастурхонига тортиқ қилишга муваффақ бўлди. Қолаверса, маҳсулотлар хилма-хиллигини таъминлаш истеъмол бозорида ёғнинг таъминотини яхшилаш мақсадида 200 минг тонна соя дони хориждан келтирилиб, қайта ишланди ва тайёр маҳсулот сифатида савдо расталарига чиқарилди. Бозор иқтисодиёти шароитларида вақт ҳам пул билан ўлчанадиган ноёб мезонга айланади. Яъни, тадбиркор шахс янгича иқтисодий шароитда вақтни ҳам, пулни ҳам тежашга бирдек ўрганиши лозим. Уюшма ишчи-хизматчилари бугунги кунда мазкур қоидага қатъий риоя этиб, тизимидаги корхоналарни замонавий, камхарж ва самарадор асбоб-ускуналар билан жиҳозламоқда. Мисол учун уюшманинг Германиядаги ишончли ҳамкори «Кимбрия СКЕТ» фирмаси ёрдамида прессловчи агрегатлар, тостерлар, дистилляция ускуналари олиб келинди. «НД-1250» русумидаги экстракторларнинг янги модификацияси «Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятига, Швециянинг «Альфа-Лаваль» фирмасининг автоматлаштирилган ускуналари «Тошмаргёғ» корхонасига ўрнатилди.

Кўпчиликка маълумки, ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари портлаш ёки ёнғин чиқиш хавфларидан холи эмас. Шунинг учун тизимда ишчиларга бехатар, қулай меҳнат шароитларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ана шу масалаларни ҳал этиш учун ўтган йили 71 миллион сўм сарфланган эди. Жорий йилда мазкур мақсадлар учун 90 миллион сўм маблағ сарфланмоқда.

Бир қарашда бу харажатлар ўта муҳимдир, лекин бошқа томондан бу маҳсулотлар таннархининг ошишига бевосита таъсир қилмаяптимикин? Ушбу саволни уюшма раҳбариятига берган эдик, «Аксинча, бу харажатлар таннарх пасайишига омил бўлаётир» деб жавоб беришди.

Эътибор берсангиз, хом ашё ва материалларнинг баҳоси бир неча баробар ошса-да, пахта ёғи, хўжалик ва атир совунлар нархида йил давомида катта ўзгариш бўлгани йўқ,-дейди уюшма бўлим бошлиғи Муҳаммаджон Ражабов. - Чунки тизимимизда ўрнатилаётган автоматлаштирилган асбоб-ускуналар қўл кучини камайтириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, маҳсулот таннархини туширишга олиб келаётир. Шу боис бугунги кунда корхоналарда 50 дан ортиқ экологик тоза, саломатлик учун хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ёғ, мой ва тамаки маҳсулотларидан ташқари тизимда хўжалик ва атир совуни, шифобахш чой, қурилишда фойдаланиладиган алиф-оксол, кузбасс-лак, чўянга ишлов берувчи суюқлик, автомобиль тормози учун суюқлик, антифриз, олеин кислотаси ишлаб чиқарилади. Корхоналарда бозор иқтисодиётидаги рақобат курашини енгиб ўтишга интилиш кучли. Бунинг учун эса товар-маҳсулотларда нафақат сифат ва истеъмол учун хавфсизлик, балки унинг кўриниши ҳам рисоладагидек бўлиши таъминланмоқда. Шу йўналишда ишлаётган Фарғонадаги ёғ-мой комбинати атир совунларни ёқимли ҳид билан тўйинтириш, бежирим кўринишдаги шаклга келтириш, уларни сифатли қоғозларга ўраш борасида Италиянинг «Маццони» фирмаси атир совун ишлаб чиқарадиган линиясини йўлга қўймоқда.

Бундан ташқари, уюшма корхоналарида фармацевтика соҳасида кенг фойдаланиладиган глицирин, шафтоли данагидан тайёрланган шифобахш ёғ, «Ибн Сино» номли бальзам, «Қарши» маъдан сувлари кенг истеъмолга чиқарилаётир.

Уюшма корхоналарининг 90 фоизида ёрдамчи хўжаликлар, бир неча гектарлаб ер майдони, кенг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи махсус цехлар очилган. Уларнинг деярли барчасида нонвойхоналар бўлиб, тандир, буханка ва бошқа нон маҳсулотлари меҳнаткашларга арзонлаштирилган нархда сотилади. Цоколь блоки, шифер, махсус ишчи кийимлари каби маҳсулотлар кичик цех ва бўлинмаларда ишлаб чиқарилади. Қўшимча даромад келтирадиган бундай фаолият корхоналарнинг иқтисодий аҳволини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Нодир АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Пахтакорга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ДЕҲҚОН ОРОМГОҲИ

Олтиариқ Фарғона вилоятидаги энг йирик туманлардан бири ҳисобланади. Туман меҳнаткашлари пахта йиғим-теримини қизғин олиб боришяпти.

- Мавсумни Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида ташкил этганимиз қутилган самарани беряпти,-дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Махаммадали Мусаев. - Жорий йилда 10 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 30,3 центнердан, жами давлатга 30 минг 300 тонна дурдона етказиб беришга аҳд қилганмиз. Айни кунларда пахтазорларда 20 минг нафардан зиёд киши йиғим-теримда фаол иштирок этяпти. Улар ёрдамида кунига 3,5-4 фоиздан зиёд пахта териб давлатга сотишга эришяпмиз.

- Меҳнат унумдорлигини ошириш энг аввало пахтакорларга яратиб берилган шароитга боғлиқ, - суҳбатга қўшилди туман агросаноат мажмуи касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Абдуфаттоҳ Содиқов, - ҳар йили биз ишни пахтакорларга шарт-шароит яратиб беришдан бошлаймиз. Туманимиздаги 16 та хўжаликдаги 190 та дала шийпонларини таъмирладик. Уларнинг ҳар бирида дорихона, кўчма дўконлар, болали оналар ва мавсумий болалар боғчалари учун бепул иссиқ-овқат ташкил этилди. Теримчиларга пул ўз вақтида берилаётгани уларни янада самаралироқ меҳнат қилишга ундаяпти.

Шуни айтиш керакки, бу йил ўзаро беллашувга катта аҳамият беряпмиз. Туман ҳокимияти томонидан пахта тайёрлаш режасини биринчилар қаторида бажарган хўжаликларни тақдирлаш учун 3 та енгил автомашина, илғор бригадалар учун 15 та велосипед, фаол ишлаётган 3 нафар мутахассисга эса рангли телевизор мукофот тарзида берилади.

Тумандаги 15 та хўжаликдаги дала шийпонларига 190 нафар тиббиёт ходимлари бириктириб қўйилган.

Мавсум ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олинди. Хусусан ўн иккита дала шийпони дид билан безатилиб, деҳқонларнинг оромгоҳига айлантирилди. Бригадалараро ҳамда теримчилар ўртасида мусобақа ташкил этилган. Илғорларни рағбатлантириш учун давлатга пахта сотиш режасини биринчи бўлиб бажарган бригадага рангли телевизор, бир бош қўй, иккинчи ўринга гилам, учинчи ўринга палос мукофотга берилади. Мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб бориляпти. Бу тадбирлар терим суръатининг кўтарилишини таъминлаяпти.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.



Тўхтасин Мирзаев номли ширкат хўжалигида ердан унумли фойдаланилмоқда. Омилкор деҳқонлар сабзи, карам, турп, каби экинлардан юқори ҳосил олишга эришмоқдалар. Асл миришкор Абдуқаҳҳор Қозоқов (суратда) эса писта етиштиришга жазм қилди. Ҳозирги кунда ҳосил чўғи барчани қувонтирмоқда.

Ҳамкорлик ришталари

Халқаро андозалар асосида

Ўзбекистон иқтисодий сиёсати халқаро майдонда кун сайин кўпроқ эътироф этилмоқда, бу сиёсатга республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг асос солинган эди. Ҳозирги вақтда давлатимиз жаҳон хўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлиб, ўнлаб халқаро ташкилотларнинг аъзосидир.

Париждан олинган хабар бундай алоқалар кенгайиб бораётганидан далолат бермоқда. Франция пойтахтида Баҳолаш андозалари халқаро қўмитасининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги шу нуфузли ташкилотга мухбир-аъзо сифатида қабул қилинди. Бу воқеа мамлакатимизда кўчмас мулкни баҳолаш фаолияти бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ равишда ривожланаётганини тасдиқламоқда.

Давлат мулкини хусусийлаштириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг асосларидан биридир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни баҳолаш фаолиятига муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо қилди. Чунки, сотишга мўлжалланган иншоотлар ва мол-мулкнинг қиймати бозорда амалда вужудга келаётган нархларга мос бўлиши лозим. Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлиги ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бир қанча янги республика ва тармоқ андозалари яқинда кучга кирди. Уларнинг афзалликларидан бири шундаки, бу андозалар ушбу соҳадаги Баҳолаш андозалари халқаро қўмитаси томонидан тан олинган халқаро қоидаларга уйғунлаштирилган.

Жаҳондаги 60 дан ортиқ мамлакат аъзо бўлган Баҳолаш андозалари халқаро қўмитасида иштирок этиш мамлакатимиз мутахассислари ва хорижий мутахассисларнинг алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилибгина қолмай, шу билан бирга халқаро қўмитадан олинадиган ахборот ва тажриба алмашиш ҳисобига мамлакатимиз бойликларини халқаро андозалар асосида ҳақиқий баҳолаш йўлларини ишлаб чиқишни тезлаштиради.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

КОСОВО: МУАММО ЕЧИМИ–МУРОСАДА

Тезкор шарҳ

Шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг эътибори яна Югославияда бўлаётган воқеаларга қаратилган. Кейинги вақтларда Косовода юзага келган кескин вазият халқаро ҳамжамиятни қаттиқ ташвишга солаётгани маълум. Косово муаммосини тинч музокаралар орқали ҳал этиш мумкин бўлмай қолган шароитда уни ҳарбий йўл билан ечиш учун НАТО кучлари Югославияга қарши ҳарбий ҳаво ҳужуми уюштиришга шай бўлиб турибди. Муаммонинг ечими эса Югославия раҳбариятининг БМТ Хавсизлик Кенгаши Косово масаласи бўйича қабул қилган 1199 рақамли резолюциясини бажаришига боғлиқ.

Ана шундай чигал бир вазиятда Югославия президенти Слободан Милошевич билан музокаралар олиб бораётган АҚШнинг Болқон мамлакатлари бўйича махсус вакили Ричард Холбрук маълум муваффақиятларни қўлга киритаётгани қувонарли ҳолдир. Югославиядаги ТАНЮГ ва БЕТА ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, Р.Холбрук НАТО кенгашига Югославияга қарши мўлжаллаётган ҳарбий тадбирни 24 соатга кечиктиришни таклиф этган. Р.Холбрукнинг ушбу мурожаати Югославия президенти Слободан Милошевич билан олиб борган музокаралари ижобий натижалар бераётганидан даракдир.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг Франция дипломатия доиралари манбаларига таяниб берган хабарига кўра, Р.Холбрук музокараларнинг муҳим қисмлари бўйича катта натижаларга эришган. Улардан бири Югославия томони Косовога Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти /ЕХҲТ/ ҳарбий кузатувчилар бўлинмаларини киритишга рози бўлганидадир. Кузатувчилар Косовога киритилганидан сўнг, улар бу ўлкада ўт очишни тўхтатишга риоя қилиш бўйича назорат ўрнатиши керак. Бундан ташқари, Р.Холбрук кузатувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун НАТО ҳарбий самолётлари Косово осмонида парвоз қилишини ҳам талаб қилган.

Музокаралар чоғида Югославия президенти Слободан Милошевич Косово ўлкасига тўла мухторият мақомини бериш ҳақида ҳам баёнот эълон қилишга рози бўлган. Шундай бўлса-да, кузатувчилар музокаралар чоғида эришилган муваффақиятлар Fарб давлатларининг Белградга нисбатан таҳдидини пасайтирмайди, деб таъкидлашмоқда. Аксинча, муросага борган С.Милошевичга нисбатан яна янги талаблар илгари сурилиши мумкин, дейилмоқда.

Махсус вакил Р.Холбрукнинг музокаралари бўйича ҳисоботи билан танишганидан сўнг НАТО раҳбарияти Югославияга нисбатан мўлжаллаётган ҳужумини яна тўрт кунга кечиктириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу вақт мобайнида Югославия президенти С.Милошевич ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши лозим. Агар шу вақт ичида дипломатия йўли билан муаммо бартараф қилинмаса, Югославияга ҳаводан туриб зарба берилади.

Ана шундай таҳдидлардан сўнг, куни-кеча президент Слободан Милошевич БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Косово бўйича қабул қилган 1199 рақамли резолюциясини бажаришга рози бўлганини маълум қилди. Бу ҳақда АҚШ маъмурияти вакили журналистларга маълум қилган. Махсус вакил Р.Холбрук олиб борган музокаралар чоғида эришилган келишув Косовода ўт очишни тўхтатиш ва серб ҳарбий қўшинларининг Косоводан олиб чиқиб кетилиши ҳамда улар доимий турар жойларига қайтарилишини назарда тутади.

АҚШ вакилининг маълум қилишича, битимнинг бажарилишини Косовога жойлаштирилган 2 минг нафар хорижий кузатувчи назорат қилиб боради. Шунингдек, С.Милошевич вазиятни назорат қилиш учун НАТО самолётларининг Косово осмонида парвоз қилишига ҳам рози бўлган. Келишув доираси Югославия раҳбариятининг Косово албанлари йўлбошчилари билан ўлкага Сербия таркибидаги кенг миқёсли мухторият мақомини бериш ҳақидаги музокараларни бошлашини ҳам кўзда тутади.

АҚШ президенти Билл Клинтон эса Слободан Милошевичнинг мазкур резолюцияни бажаришига шубҳа билан қарамоқда. У С.Милошевичга унчалик ишонмаслигини баён қилиб, «ўз зиммасига мажбурият олиш бу мажбуриятни бажариш деган гап эмас», деб айтган.

Шу боис АҚШ билан НАТО Югославияга қарши ҳарбий жазо чораларини ўтказиш тахдидини кучайтиришда давом этмоқда. Сўнгги хабарларга қараганда, ўтган душанба куни Пентагон Европага яна қанотли ракеталар билан жиҳозланган 6 та «В-52» бомбардимончи самолётини жўнатишга кўрсатма берган. Бу самолётлар ҳам Шимолий Атлантика альянсининг Югославияга қарши ўтказаётган ҳарбий тадбирларида қатнашиши кўзда тутилади. Бунгача Буюк Британиянинг Фэйрфорд авиабазасига олтита «В-52» бомбардимончи самолёти келтирилган эди. Бундан ташқари, АҚШ ҳарбий тадбирда «Стелс» технологияси асосида тайёрланган, парвоз чоғида душман радарлари пайқамайдиган иккита янги «В-2» бомбардимончи самолётидан ҳам фойдаланишни режалаштирмоқда. Ушбу самолётлар Миссури штатидаги Уайтмэн авиабазасидан ҳавога кўтарилади. Умуман, АҚШ мазкур ҳарбий тадбирни ўтказиш учун НАТО ихтиёрига 260 та самолёт беришни режалаштирган. НАТО Югославияга нисбатан амалга оширишни кўзлаётган мазкур тадбирда жами 430 та самолётдан фойдаланишни мўлжалламоқда.

Хуллас, НАТОнинг Югославияга нисбатан ҳарбий жазо чорасини кўллаш хавфи ҳамон сақланиб турибди. Мазкур хавфга бутунлай барҳам берилиши эса Югославия томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Косово бўйича қабул қилган 1199 рақамли резолюцияси қай даражада бажарилишига боғлиқ бўлиб турибди. Мазкур резолюциянинг бажаралиши учун НАТО Югославияга яна тўрт кун вақт ажратди. Бу НАТО томонидан Югославияга берилаётган сўнгги имконият эканини воқеалар ривожи аниқ кўрсатиб турибди.


Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.





Зарбдор туманидаги пахта тозалаш корхонаси 33 минг тонна хом ашё қабул қилиб олади. Шу кунларда корхонада иш қизғин. Иноқ жамоа даладан келаётган пахтани пешма-пеш қабул қилиб, қайта ишламоқда.

Суратда: корхона чилангарлари Бахтиёр Думанов, Рустам Харипов.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.







Аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд топган Қубод шаҳрида кенг бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Мафтункор хиёбонлар, кўркам обидалар қалбингизни жунбушга келтиради. Нуфузли тадбирга қарийб 40 та давлатдан кўплаб меҳмонлар ташриф буюрадилар.

Суратда:
1. қўли гул усталар Иброҳим Содиқов ва Сулаймон Мўминов.
2. Қубод шаҳрида бунёд этилган обидалар.

Ватан туйғусидан қалбида ғурур

(достондан парча)

Олимжон Бўриев улуғ аждодларимиз тимсолини ўзида мужассам этган «Замахшарийнома», «Амир Темур», «Мирзо Улуғбек», «Пири тариқат ва Мири ҳақиқат», «Муҳаммад Пайғамбар», «Имом аль-Бухорий», «Аҳмад ал-Фарғоний» асарларини истиқлол шарофати билан ўзбек китобхоналарига армуғон этди. Шоирнинг «Туркий сулолалар» ёхуд «Шоҳномаи туркий» эпопеяси нашрга тайёрланмоқда. Қуйида шоир яқинда ёзиб тугатган «Жалолиддин жасорати» достонидан бир парча эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Улуғ аждодларнинг изини босиб,
Юрмоқлик бизларга бўлди муносиб.
Кимки ўтмишидан туйса ғар ғурур,
Яшагай бахтиёр қалбида сурур.
Бугун яшаш учун ҳаётда хуррам,
Ўтмишин ўйлаган инсон мукаррам!
Афросиёб номи яшар абадий,
Йўқ, эди давлатин чеки ва ҳадди!
Унинг аждодлари ўтиб паҳлавон,
Минг йил авлодлари бўлган ҳукмрон.
Эрону Турону Руму Фарангда,
Ғолиблик байроғин кўтарган жангда!
Тарих китобини очсак бирма-бир,
Тирилиб келгай ҳар шоҳи жаҳонгир!
Тарихда улардан қолган буюк дард,
Султонлар ичида султон, ғолиб, мард,
Султон Жалолиддин Мангу берди, бас,
Олам аҳли унга айлагай ҳавас!
Энг буюк шоҳларнинг сўнгги авлоди,
То охири замон яшар пок ёди.
Инсон пайдо бўлиб рўйи заминда,
Ҳали бўлинмасдан тоифа динга!
Одами Атодан бошланган зурёд,
Ажабмаски, эрур бизларнинг аждод!
Нуҳ пайғамбар ўғли ҳазрати Ёфас,
Замонидан олиб туркийлар нафас,
Яшаб келмоқдалар ўз диёрида,
Шу ёруғ дунёнинг бир канорида.
Вужудга келиб сўнг Туркий хоқонлик,
Асл аждодлари Турфон томонлик!»
Султон Жалолиддин хаёлга ботиб,
Уйғоқ, туйғуларин дилдан уйғотиб,
«Тарихи Турон»га ташларкан нигоҳ,
Кечди кўз ўнгидан савобу гуноҳ!
Ривоят бордирки қадимул аййём,
Турклардан ғанимлар олиб интиқом».
Ёниб Жалолиддин кўзи ғазабдан,
Ғанимларни деди, титраб асабдан,
Додини бергаймен, пайт келиб бир кун,
Қасос ва адолат, ҳақиқат учун.
Шоҳларга фарзандлик бўлибдир насиб,
Яратганга шукур санабди ҳабиб.
Соясин сояси этмиш Аллоҳим,
Хоразм шоҳлари эрур паноҳим!
Етти пуштим ўтди тахтда хукмрон,
Измига бўйсунди Эрону Турон.
Асл аждодларим мозийга қадар,
Билганга аёндир саналгай сарвар!
«Хоразм арслони кўркмагай ёвдан,
Ғараз ниятли ҳар қашқир бобовдан».
Деб, этган эътироф улуғ Беруний,
Қулоғимда ҳамон янграгай уни».
Жалолиддин бир оз этгач тахайюл,
Дафъатан шўнғиди китоб ичра ул:
«Қириб ташлаганда аёвсиз буткул,
Тасодиф соғ қолган бир довкур ўғул.
Унинг жуфти бўлиб урғочи бўри,
Макони саналган тоғларнинг тўри.
Туркўғлон бўридан кўриб ўн фарзанд,
Ҳар бирига этган меҳрини пайванд,
Уларга ўргатиб турк забонини,
Собитиймон қилган ҳар ўғлонини.
Турфон қизларига сўнг ўнов ўғлон,
Уйланиб яшашган бахтли комрон.
Бир ўғлининг номи аталиб Ашин,
Барча қабилага мисоли яшин,
Унинг сўзи этиб барчага таъсир,
Тўққиз ака-ука бўлишиб асир,
Уни ўзларига сайлаб хукмдор,
Бирлашиб бўлишди кучли, устувор!
Ашин меросхўри асан Шад Бўри,
Эди қабиланинг доҳийси зўри,
Қабила уруғи ошганда юздан,
Ғурур ва куч олиб ушбу нафуздан,
Турфондан етаклаб Жужан томонга,
Сўнг турклар ёйилди ярим жаҳонга.
Олтойда турк номин олишиб улар,
Бу ҳақда тарихдан қолган туркулар.
Олтой сўзи «Турк»нинг қадимий номи,
Азалдан саналгай турклар киромий.
Олтой шимолида яшашиб аввал,
Қабила бошлиғи Абанбу Танбал.
Ўн олти укаси бўлиб соҳибдид,
Бировни аталган Ичасин Ишид —
Бўри ўғли эрур маъноси яъни,
Уларнинг кенгайиб кейин ватани —
Марказий Осиё Хитойга қадар,
Бу ёндан Ҳиндистон то бахри Ҳазар,
Турк мулки бўлгани тарихдан аён,
Низомий Ганжавий фикр этиб баён:
«Зи Бахри Ҳазар то ба дарёйи Чин,
Ҳама турк дидам, бар турк замин». —
Деганда шундокдир қисқа мазмуни:
«Турклар соҳибидир ярим очунни,
Барч ер турклардан айтсам мухтасар,
Хитой дарёсидан то бахри Ҳазар!»
Тарихдан маълумки ҳар туркий хоқон,
Хитой давлатидан олишган ўлпон,
Ҳам юксак санашиб улар ҳаётин,
Чиний маликалар бўлишган хотин!
Асан Шад кенжаси довюрак Тумин,
Ўтказиб барчага ўзининг ҳукмин,
Турклар давлатига солади асос,
Тарихда саналгай илк хокони хос!
Олтинчи асрда шундай қилиб чўнг.
Турклар хоқонлиги таркиб топиб сўнг.
Марказий Осиё топади ривож,
Асан Шад фарзанди Тумин кийиб тож,
Мўғулча бўрининг маъноси Ашин,
Бобокалон эди илк хоқонга чин!
Бўри туғи билан турклар бўлиб жам,
Мўғулистон билан Ғарбий Сибир ҳам,
Еттинчи асрда турк хоқонлиги,
Аср тугаб, қолмай фаровонлиги».
Шу жойда ўкиниб шоҳ Жалолиддин,
Оҳиста ёпди сўнг тарих китобин.
Не сабаб туркийлар бўлишган мағлуб?
Тарихий таҳлил йўқ, манбада марғуб.
Хиёнат устига бўлиб хиёнат,
Ривоят бордирки бир бедиёнат,
Ғанимга сотилиб, олиб молу зар,
Турклар кўшунига етказган зарар.
«Ҳақсизлик,—муштини тугди шаҳзода, —
Адолатли шоҳсиз оломон пода,
Қаёққа бошласанг кетар ўша ён»,
Шу маҳал кўринди буваси Туркон:
«Ҳа, манқа, не сабаб ухламай танҳо,
Китобга бунчалар мунка тушиб ё,
Домулло бўлғайсен, ё шайхулислом,
Шоҳ ўғул бўлмайди бунча белажом!»
Жалолиддин салом демасдан ҳануз,
Бувисидан тинглаб каломи бетуз,
Жавоб қайтармади, сақлади одоб,
Сўнг деди: «Ухлармен, биби келса хоб!»
Ётғил ҳали ёшсен, уринма бўтам,
Дея юмшагандай бўлди маликам,
Ўн ёшли болага сочаркан заҳрин,
Лекин келтиролмай йигитга қаҳрин,
Орқасига қайтди салобат ила,
Жалолиддин Султон ҳаловат ила,
Қоларкан бувисин кузатиб масрур,
Ватан туйғусидан қалбида ғурур!

Олимжон БЎРИЕВ.

Ҳар тўғрида

НЕМИСЛАР НИМАДАН РАНЖИЙДИ?

Немисларни жаҳли чиқишига нима сабаб бўлади экан? Яқинда ўтказилган аҳолининг фикрини ўрганиш натижалари уларнинг бу борадаги «нозик жойларини» аниқлашга ёрдам берди. Маълум бўлишича бу халқнинг асабини қўзғатадиган омиллардан энг асосийси кўча ва дам олиш жойларида ахлат тўпланиб ётиши экан. Эркакларнинг 65, аёлларнинг 76 фоизи шундай фикр билдирган. Ундан кейинги сабабларга: савдо ходимларида ҳар доим ҳам мулойимликни етишмаслиги, кўчаларда автомобилларни тўпланиб қолиши, магазинларда навбат кутиш, кўчакуйда реклама тахталарининг кўплиги кирар экан.

ЕР ҲАРОРАТИ КЎТАРИЛМОҚДА

Сўнгги вақтларда ер юзи бўйлаб ҳаво ҳароратининг кўтарилаётганлиги ҳақида гаплар юрипти. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Метеорологларнинг таъкидлашича, ер юзида об-ҳаво глобал ўзгариш босқичига кирган бўлиб, бу биринчи галда индустриал ривожланишнинг оқибати деб кўрилмоқда. Буюк Британия Метеорологик хизмат марказининг маълумотларига кўра ер шари атмосферасининг ҳарорати бу йил ўтган йилдагига қараганда 0,5 даража ортиқ экан. Тинч океанида ҳароратнинг кўтарилиши оқибатида сув ўтган йилга нисбатан олти даража баланд. Худди шу нарса кутилмаган циклонлар ва сув тошқинларини пайдо бўлишига сабаб бўлган.

УМИД ҚИЛСА БЎЛАДИ

Америкалик олимлар таркибида оқсил модаси бўлган икки хил препарат, синтезланган ангиостатин ва эндостатин лабораторияларда сичқонларда текширилганда ажойиб натижа берди. Тадқиқотчилар олдида энди бу нарса одамларда синаб кўрилганда ўшандай самара берадими, йўқми деган савол кўндаланг бўлиб турипти.

Ўлаётган сичқонлар янги препарат билан эмланганда уларнинг кўпларининг аҳволи яхшиланди, ҳатто баъзилари тамоман соғайди. Америкаликлар ҳозирча «ракнинг кушанда»си деб атаётган ушбу препарат шишларни камайтирган ёки батамом йўқотган.

Ангиостатин ва эндостатинни Гарвард университетининг профессори Джудай Фолкмэн раҳбарлигида бир гуруҳ тадқиқотчилар ишлаб чиққан. Бу иккала препарат қонни рак ҳужайраларига ўтишига йўл қўймайди ва таъминотдан маҳкум ҳужайралар бўлина олмайди (ўсмайди) кейинчалик умуман курийди.

Фолкмэнни ўзи бу препаратларга баҳо беришда эҳтиёткорлик билан ёндашаяпти. Янги доридан кўп нарса кутса бўлади, аммо буни одамларда синаб кўрилганда бундай самара бермаслиги ҳам мумкин, демокда.

Пиру бадавлатларимиз

БАХТ ҚЎРҒОНИ

Бу файзли хонадонни ҳар субҳи саҳарда фаришталар тавоф этгани келишади. Унгача парирухсор келинлар ҳаммаёқни чиннидек супуриб-сидириб, гулу-райҳонларнинг бўйини таратиб, қайнона-қайноталари дуоларини олишга шошиладилар.

Азиз меҳмонларга тузатилгандек тўкин дастурхон атрофидан дасталаб Фатхиддин ота билан уй бекаси Рауза ая жой оладилар. Кейин катта ўғил Рустам ака, унинг ёнидан эса Истамжон Ўткир, Тўлқин, Лазизхўжа, Ҳафизжонлар давра қуришади. Иккинчи томонда келину набиралар сафланадилар. Фатхиддин ота хонадони олти ўғилнинг уйига қўшилиб, катта саройни эслатади. Ҳали-ҳануз барча ўғиллар бир дастурхон атрофида ўтириб, бир қозондан таом ейишади. Фатхиддин ота билан Рауза ая фарзандларига бир гапни такрорлашади: «Ҳайри-барака бирликда, аҳилликда, ҳамиша бирга бўлсангиз, тоғлардек мустаҳкам бўласиз».

Шундан тўққиз оға-ини бир-бирларига меҳрибон, оқибатли, эл ишига камарбаста. Келинлари ширинсўз, қутли-баракали. Эрларию фарзандларини чақмоқдек, рўзғорини гулдек қилиб қўйишади.

- Оила бутунлиги инсон бутунлигидир, - дейди меҳри улуғ кишилар ташриф буюрмаган дейсиз.

Отанинг падари бузруквор лари Носир Комилов маърифатли, элпарвар, диёнатли инсон бўлган. Саркотиблик, раислик вазифаларида ишлаб кўпчилик манфаати йўлида елиб-югурган.

Фатхиддин отанинг сўзларини тинглаган киши маънан бойийди, эл-юртига, оиласига муҳаббати ортади. У киши умрининг 50 йилини баҳоли қудрат маорифни ривожлантиришга, ёшларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашга бағишлади. Отанидас бурч эканлигидан сўзлайди. Яқинда отахон этак тақиб, пахта теришга чиқди. Нуронийлар ҳимматини кўриб, ёшларнинг ғайрати жўшиб кетди.

Отахон оилани бахт кўрғони деб билиб, аёлларни унинг чироғи, посбони деб атайди. Рауза аянинг фикрлари ҳам умрдоши орзуларига пайванд.

- Уйлаб қарасам, турмуш қурганимизга ҳам 50 йил бўлай деб қолибди, - дейди у. - Бош паноҳим билан олти ўғил, уч қизни тарбиялаб элга қўшдик. Бирор кун оғзимиз санга бормади. Рўзғорда қийинчилик бўлса бир-биримизни аядик, суядик.

Рауза ая фарзандларининг фазилатларини санаб чарчамайди. Айниқса, келинларини тилларидан бол томиб мақтайдилар.

Биз ҳам ният қиламизки, пиру бадавлат бўлиб кўша қаримоқ, фарзандлар бахти-тахтини кўрмоқ Фатхиддин отаю Рауза онамиздек барча яхшиларга насиб этсин.

Амина ҚОДИРОВА

Шифокор огоҳ этади

ГЕПАТИТНИНГ АСОРАТИ ЁМОН

Кейинги йилларда Бутун жаҳон миқёсида, жумладан, Ҳамдўстлик давлатлари ва Ўзбекистонда аҳоли ўртасида вирусли гепатит касалликлари қайд қилинмоқда. Бугунги кунда ушбу хасталикнинг беш хил яъни вирусли А,В,С,Д ва Е гепатитлари маълум вирусли А ва Е гепатитлари оғиз (орал) орқали юқса, вирусли В,С,Д гепатитлар учун эса парентерал (оғиз орқали) юқиш характерлидир.

Гепатит касаллигида касалик манбаи фақат одам организми ҳисобланади. Касаллик ўткир, чўзилган ёки сурункали кўринишда кечиб, енгил, ўртача оғирликда ва оғир ўтади. Вирусли гепатит бир неча даврда кечади: яширин, сариқлик олди, сариқлик ва соғломлашиш. Вирусли А гепатитида яширин давр 15-45 кунгача давом этса, В гепатитида эса ушбу давр 6 ойгача чўзилиши мумкин. Сариқлик олди даврида беморлар тана ҳароратининг кўтарилиши, иштаҳанинг пасайиши, шамоллаш аломатларининг пайдо бўлиши, кўнгил айниш, қусиш, қоринда, бўғимларда, мушакларда оғриқ пайдо бўлишдан шикоят қиладилар. Ушбу даврда беморлар касалликни жуда юктирувчан бўлиб, теварак-атрофдагилар учун катта хавф туғдирадилар. Одатда ушбу давр 5-7 кун давом этади. Сариқлик пайдо бўлиши билан касаллик сабабчиси бўлмиш вирусларнинг ажралиши тўхтайди ва беморлар улар билан мулоқотда бўлган бошқа шахслар учун хавф туғдирмайдилар. Сариқлик даврида беморнинг териси ва кўз оқи сарғиш тусга киради, сийдиги қизариб, нажаси оқаради. Баъзи бир беморларда бу даврда терининг қичиши, қоринда оғриқ сезиш каби аломатлар ҳам пайдо бўлади. Сариқлик даври касаллик кечиш оғирлигига қараб 2-3 ҳафта давом этгач, бемор аста-секин соғая бошлайди.

Айрим беморларда хасталик белгисиз (сариксиз) кечади ва бундай шахслар касаллик манбаи сифатида айниқса хавфли ҳисобланадилар.

Вирусли А гепатити айниқса болча, мактаб ёшдаги болалар ва ўсмирлар орасида кўплаб қайд қилинади. Хасталикнинг тарқалиш омилларига сув, озиқ-овқат махсулотлари, «ифлосланган қўллар» ва ҳар куни ишлатиладиган буюмлар киради. Болалар ва бошқа аҳоли гуруҳлари орасида қўзғатувчининг тарқалишида кундалик мулоқот йўли ҳам катта аҳамият касб этади.

Вирусли А гепатити учун мавсумийлик (касаллик йилнинг совуқ фаслларида) кўпайиши ҳосдир.

Вирусли В гепатитларининг келиб чиқишида қон ва унинг препаратларини муолажа мақсадида қўллаш асосий сабаб бўлади. Бундан ташқари, касаллик кундалик мулоқот, жинсий алоқа орқали ҳам юқиши мумкин. Вирусли В гепатитининг қўзғатувчиси ҳомиладорлик даврида ҳомилага ўтиши мумкинлиги ҳам исботланган. Ушбу хасталиклар билан асосан бир ёшгача бўлган гўдаклар ва катталар оғрийдилар. Гепатитнинг бу тури учун мавсумийлик хос эмас. Вирусли В гепатити фаолиятлари қон ва қон препаратлари билан боғлиқ бўлган тиббиёт ходимлари орасида ҳам кўпроқ учрайди. Ушбу инфекцияда касаллик қўзғатувчиси бўлмиш вирусни узоқ муддат (сурункали тарзда) ташиб юриш ҳам характерлидир.

Вирусли А гепатитининг олдини олишда авваломбор, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар бир болалар муассасаларида қайнатилган сув, етарли миқдорда стаканлар ва бошқа идишларнинг бўлишини таъминлаш зарур. Айтиб ўтилган ташкилотларда болалар зудлик билан шифохоналарга ётқизилишлари лозим.

Вирусли В гепатитининг профилактикасида қон топширувчи шахсларни ушбу касалликка доимий равишда текшириб туришнинг аҳамияти катта. Донорлар вирусли гепатитлар билан оғриган беморлар билан мулоқотда бўлмаганликлари ҳақида маълумотномага эга бўлмоқлари даркор. Вирусли гепатитлар билан оғриган ҳамма шахслар поликлиникалардаги юқумли касалликлар хоналарида диспансер кузатувига олинадилар. Вирусли В гепатити билан оғриган болаларга уларда касалликнинг сурункали шакли келиб чиқишини олдини олиш учун санаторий типидаги шифохоналарда даволанишни давом эттиришлари тавсия этилади.

Шуниси қувончлики, сўнгги йилларда вирусли А ва В гепатитларини олдини олишда кўп мамлакатларда ижобий натижа берган вакцина (эмдори) билан профилактик эмлаш тадбирларини амалга ошириш бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам жорий этилмоқда.

Сирожиддин БОБОХЎЖАЕВ,
эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори.

СПОРТЧИ КЕЛИН

интермедия

Кичкина хонтахта қўйилган каравотда она-ўғил суҳбат қилишяпти.

Ўғил (бироз асабийлашиб) - Ойижон, айтдимку ахир бошқа жойга совчиликка борманг деб. Биласиз-ку, Василани мен жуда...

Она (жаҳли чиқиб) - тилингни тий! Ҳа, сен доимо ўшани дейсан... Онанг билан ҳисоблашмайсан. Биттани десам ўнтани қўндирасан. Хўш, Ойсулувнинг нимаси Сизга ёқмайди-а? Мактабни битирганига мана, худога шукр, икки йил бўлди. Бошқа қизларга ўхшаб кино-театрни билмаса, эшик хатлаб кўчага чиқмаса, сочини икки ўрим қилиб, орқасига ташлаб юришини кўрсанг, вой, бўйларингга қоқиндиқ - бир пиёла новвот чойдай симириб юборгинг келадия! Мени узоқдан кўриб салом беришини кўрсанг, камалак бўлиб кетади-я, камалак...

Ўғил (бўшашиб) - Ойижон, мен уни ёмон деётганим йўқ-ку. Лекин Васила...

Она (гапни бўлиб, бироз ҳовуридан тушиб) - Тағин Васила дейди-я, нима бало у сени иссиқ-совуқ қилиб ўзига ром этиб олганми? Ҳой, бола, менга қара, ўша «пискултурник»ни нимасига учиб қолдинг? Қачон қарасанг, истадионда югургани-югурган. Ахир, бўйи етган қиз бўлса, мум тишлаб уйда ўтирса бўлмайдими? Анави куни бўлса йиқилиб, худди биров билан муштлашгандай пешонаси ғурра бўпти.

Ўғил (юмшоқ овозда) - Ойижон, тойча қоқилмасдан от бўлмайди, дейишади-ку. Ҳадемай, у биринчи разрядли спортчи бўлади, ўшанда ҳечам йиқилмайди...

Она (ўжарлик билан) - Ордоналар қолсин ўша разради, тумонат одам орасида битта майка-турсувда югурадиган қизда ҳаё бўлармиди? Кеча десанг кўчада мени тўхтатиб: «Комил акамлар тузалиб қолдиларми» дея жилмаяди. Энсам қотиб: «Ҳа, отдай чопқиллаб юрибди» десам. «Вой ҳозир чопмай турсинлар» дейди-я! (Тамшаниб, пўписа қилади)

- Ҳей, менга қара, танлаб-танлаб тозисига учраган бўлмагин яна. Дидингга чечак чиққанми?

(Комил икки қўли билан бошини чангаллаб, ўйга толди...) Бу орада Васила нуфузли мусобақада ғолиб чиқиб қишлоқнинг фахрига айланади. Онаизор ҳам энди уни ўзига яқин олиб қолган, фақат сир бой бермайди.

Она: - Ҳа, нега жим бўлиб қолдинг?... Хўш, гапир, Ойсулувни дейсанми ё ўша чопағонними? Наҳотки яккаю-ягона нури-дийдамнинг орзу-умидига тўғаноқ бўлаётган бўлсам... Ахир, ўғлимнинг эс-ҳуши жойидаку... Дарвоқе, Василанинг ота-оналари туппа-тузуккина-ю... Фақат «Пизкултураси» ёқмайдида. Кўнглига яна бир тўр ташлаб кўрайчи, ётиб қолгунча отиб қол, дейишганку!

Хўш, айтайлик, тўйларинг ҳам бўлди, бир-икки болали ҳам бўлдиларинг. Ўшанда ҳам Василанг болаларини эргаштириб истадионда югуриб юрадими?

Комил (хурсанд, жилмайиб) - Ойижон-ей, неварали бўлганингизда келинингиз ҳечам югурмайди. Физкултурадан дарс беради, мусобақаларда ҳакамлик қилади. Ўзининг эса оёқ-қўли чаққон. Гир этиб бозор-ўчарга ҳам бориб келаверади.

Она (Ўйга толади... Бироздан сўнг шашт билан ўрнидан туради) - Қани, ўғлим, нариги хонадан тугинимни олиб чиққин-чи!

Комил (ажабланиб) - Яна... Ойсулувникигами?

Она (кулиб) - Нафасингни иссиқ қилсанг-чи ўғлим, бу гал ўша, «Пискултурний»никига!

Уста НАБИ.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва Сурхондарё вилоят қўмитаси Олтинсой туман касаба уюшмаси қўмитаси раиси Парда Йўлдошевга турмуш ўртоғининг вафот этганлиги муносабати билан оиласига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25/36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
«Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр курсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 0421. Нусхаси — 15,088. Масъул навбатчи: Ғулом ЮСУПОВ 123456